



МАМЛАКАТИМИЗДА ИННОВАЦИОН ФАОЛЛИККА ҚАРАТИЛГАН МОЛИЯВИЙ-ИҚТИСОДИЙ ЖАРАЁНЛАР

Мадаминов Инъомжон Озодович

Урганч давлат университети доценти в.б. PhD. Урганч, Ўзбекистон.

inomjon.ozodovich@gmail.com

<https://orcid.org/my-orcid?orcid=0000-0002-6832-9131>

DOI: https://doi.org/10.55439/EIT/vol11_iss1/a17

Аннотация

Маълумки, илм-фан ва техника тараққиётисиз бозор муносабатларига асосланган миллий иқтисодиётни шакллантириш, ривожлантириш ҳамда рақобатга асосланган бозор иқтисодиётига ўтишда баъзи бир ноқулайликлар ва мураккабликлар туғдириши мумкин. Шунинг учун ҳам республикада инновацион янгиликлар асосида инновацион маҳсулотларни ишлаб чиқариш бўйича ҳукуратимиз томонидан қатор ишлар амалга оширилмоқда. Маълумки, инновацион ишланмалар асосида ишлаб чиқариш жараёнини жаҳон стандартлари талаблари даражасида такомиллаштириш, мамлакатимизда инновацион фаолликка қаратилган молиявий-иқтисодий жараёнларни жадаллаштириш унга ажратилаётган инновацион инвестиция маблағлари миқдorigа боғлиқ бўлади. Бунда жалб қилинадиган инвестициялар давлат, хусусий тадбиркорлик субъектлари ва хорижий давлатлар ҳамда тадбиркорлар томонидан амалга оширилиши мумкин. Айнан ушбу масалалар мақола мавзусининг долзарблигини белгилаб беради.

Калит сўзлар: илм-фан тараққиёти, инновацион ишланмалар, тадбиркорлик субъектлари, ихтиро, молиявий-иқтисодий жараёнлар, инновацион маҳсулот, назарий кашфиёт, инновацион фаоллик, истеъмолчилар талаби, рақобат, стратегия, аҳоли бандлиги, илмий-интеллектуал ресурс, молиявий ресурс.

ФИНАНСОВО-ЭКОНОМИЧЕСКИЕ ПРОЦЕССЫ НАПРАВЛЕННЫЕ НА ИННОВАЦИОННУЮ ДЕЯТЕЛЬНОСТЬ В НАШЕЙ СТРАНЕ

Мадаминов Инъомжон Озодович

Доцент Урганчский государственный университет, PhD. Урганч, Узбекистан.

Аннотация

Известно, что без развития науки и техники формирование и развитие национальной экономики на основе рыночных отношений и переход к конкурентной рыночной экономике может вызвать определенные неудобства и трудности. Поэтому государством предпринимается ряд мер по производству инновационной продукции в стране на основе инновационных инноваций. Известно, что совершенствование производственного процесса на основе инновационных разработок на уровне мировых стандартов, ускорение финансово-экономических процессов, направленных на инновационную деятельность в нашей стране, будет зависеть от объема направляемых на нее инновационных инвестиций. При этом инвестиции могут осуществляться государством, частным бизнесом и зарубежными

странами и предпринимателями. Именно эти вопросы определяют актуальность темы статьи.

Ключевые слова: научные разработки, инновационные разработки, хозяйствующие субъекты, изобретения, финансово-экономические процессы, инновационная продукция, теоретические открытия, инновационная деятельность, потребительский спрос, конкуренция, стратегия, занятость, научные и интеллектуальные ресурсы, финансовые ресурсы.

FINANCIAL AND ECONOMIC PROCESSES AIMED ON INNOVATIVE ACTIVITIES IN OUR COUNTRY

Madaminov Inomjon Ozodovich

Associate Professor Urgench State University, PhD. Urgench, Uzbekistan.

Abstract

It is known that without the development of science and technology, the formation and development of a national economy based on market relations and the transition to a competitive market economy can cause certain inconveniences and difficulties. Therefore, the state is taking a number of measures to produce innovative products in the country based on innovative innovations. It is known that the improvement of the production process based on innovative developments at the level of world standards, the acceleration of financial and economic processes aimed at innovative activities in our country will depend on the volume of innovative investments directed to it. At the same time, investments can be made by the state, private business and foreign countries and entrepreneurs. It is these questions that determine the relevance of the topic of the article.

Key words: scientific developments, innovative developments, business entities, inventions, financial and economic processes, innovative products, theoretical discoveries, innovative activities, consumer demand, competition, strategy, employment, scientific and intellectual resources, financial resources.

Кириш

Инновация–иқтисодиётнинг асосий иқтисодий категорияларидан бири бўлиб, бозор иқтисодиёти шароитида муҳим аҳамиятга эга. Чунки эркин рақобатга асосланган бозор иқтисодиёти шароитида иқтисодиётнинг инновацион фаоллиги асосида ривожланишини танлаб олинган энг асосий йўл деб ҳисоблаш мумкин. Илмий-техникавий ишланмалар ва ихтиролар янги илмий салоҳиятнинг ишланмаси сифатида амалиётга қўллашни тушунадиган бўлсак, илмий-техникавий инновация эса назарий кашфиётларни амалиётга тадқиқ этган ҳолда янгиликларни яратиш ҳисобланади. Ихтиро қилиш ва илмий-техникавий ишланмаларни ишлаб чиқариш жараёнида қўллашдан мақсад эса уни тижорат асосида сотиш орқали истеъмолчилар талабини қондиришдан иборатдир.

Инновация жараёни маълум бир даврни ўз ичига олиб, янгиликни яратишдаги ўзининг ифодаланиши билан бирга унинг иқтисодий самарадорлиги ўзаро боғлиқдир. Чунки инновация стратегияси ишлаб чиқариш жараёнида янги фан-техника ютуқларини қўллаш асосида рақобатчи субъектларга нисбатан юқорироқ иқтисодий салоҳиятга эга бўлиши билан ифодаланади. Иқтисодиёти ривожланган давлатларнинг босиб ўтган йўли билан танишиб чиқадиган бўлсак, ривожланган бозор иқтисодиётига ўтиши ўз-ўзидан бўлмаганлигини англаш қийин эмас. Бу борада ҳорижий мамлакатлар андозасини ўрганиш, чуқур таҳлилларни амалга ошириш

хамда мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятининг ўзига хос жиҳатларидан келиб чиққан ҳолда улардан самарали фойдаланиш асосий вазифамиз бўлмоғи зарур.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 1 майдаги “Ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришни рейтинг баҳолаш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПҚ-4702-сон Қарори билан мамлакатда тадбиркорлик ташаббуслари ва лойиҳаларини жадал амалга оширишни ташкил этиш, аҳоли билан мулоқот тизимини йўлга қўйиш, аҳоли турмуш даражаси ва бандлигини ошириш, ҳудудларни жадал ва комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга алоҳида урғу берилган. Президентимизнинг 2020 йил 29 октябрдаги “Илм-фанни 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида” ПФ-6097-сон Фармони билан иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳани жадал ривожлантириш, илмий-интеллектуал ҳамда молиявий ресурсларни тўлиқ сафарбар этган ҳолда илмий-инновацион салоҳиятдан кенг фойдаланиш, истиқболда илм-фанни мунтазам ислоҳ қилиб боришнинг устувор йўналишлари белгиланганлиги ҳам айнан тадқиқотимизнинг муҳим асоси эканлигидан далолат беради.

Мамлакатимиз ҳудудларини ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг ҳозирги ҳолатини чуқур таҳлил қилишда истиқболга йўналтирилган мақсадли дастурларни ишлаб чиқиш учун уни комплекс баҳолашнинг ҳамда юзага келадиган муаммоларни ҳал қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар ишлаб чиққан ҳолда уларга тезкорлик билан ва лозим даражада жавоб қайтаришнинг ягона мувофиқлаштирилган механизми йўқлиги тўсқинлик қилмоқда. Шу боисдан ҳам ҳудудларни барқарор ва жадал ривожлантириш учун уларнинг комплекс ва мутаносиб ижтимоий-иқтисодий ривожланишини, табиий хом ашё ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини, иқтисодий ва инвестициявий салоҳиятини, шунингдек, ҳудудларнинг бошқа қиёсий устунликларини баҳолашнинг ягона тизими жорий этилмоқда.

Мавзунинг ўрганилганлик даражаси

Жаҳон иқтисодий адабиётларига назар соладиган бўлсак, “инновация” атамаси илмий муомалага XX-асрнинг ўрталарида кириб келди. Гарчан ушбу атаманинг ўрта асрларда қўлланилганлигини ҳам таъкидлаш лозим. XIII асрда “инновация” атамаси ҳуқуқий эди ва шартнома бўйича мажбуриятларнинг ўзгаришини, яъни янги қарздорни англатар эди. Бошқа маъноларда у деярли қўлланилмаган.

Таъкидлаш керакки, “инновация” атамаси У.Петти ва Н.Маккиавелли ҳаммуаллифлигидаги (“Суверен”, 1513) [1] ҳамда Ф.Бэконнинг (“Инновациялар тўғрисида”, 1625) [2] асарларида учрайди. Инновация назариётчиларидан бири Г.Барнетт инновация деганда-“мавжудлардан сифат жиҳатдан фарқ қиладиган ҳар қандай фикр, ҳаракат ёки объект” дея таъриф берган [3].

Марказий давлатлар ҳамдўстлиги (МДҲ) олимларидан бўлган Л.Водачек ва О.Водачкова инновацион жараёнларни “корхона фаолиятининг тизим сифатида мақсадли ўзгариши” деб таърифлайдилар [4].

Шунингдек, Н.Ҳайдаров ҳамда Ф.Додиевлар томонидан реал сектор корхоналарида инновацион фаолиятнинг назарий ва услубий жиҳатлари, инновацион фаолликни аниқловчи кўрсаткичлар ва уларни молиявий-иқтисодий баҳолаш механизмлари бўйича илмий изланишлар олиб борилган [5].

Бизнингча, мамлакат иқтисодиётида инновацион фаолликка эришиш жараёнидаги молиявий-иқтисодий жараёнларни, ҳукуватимиз томонидан амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотларни янада тўлиқ англаш, тушуниш, ўрганиш ва

таҳлил қилиш лозим.

Тадқиқот методологияси

Биз илмий мақола мавзуси доирасида тизимли ёндашув, абстракт-мантиқий фикрлаш, математик-статистик таҳлил, синтез, монографик кузатув, соҳа олимларнинг назарий қарашларига асосланган ўзимизнинг қарашларимизни билдириб, таҳлилий маълумотларни келтириб ўтганмиз.

Таҳлил ва натижалар

Бозор иқтисодиёти шароитида инновацион жараён истеъмол талаблари таъсирида қисқа муддатларда ўзининг янгиликлари билан тавсифланадиган жараён бўлиб, унинг ҳаракати узлуксиз равишда такомиллашган ҳолда амалга ошириб бориладиган турли йўналишлардаги ҳаракатларни ўзида ифода этади. Чунки, бозор муносабатлари шароитида инновация қўйилмаларининг эркин ҳаракати натижасида иқтисодий субъектлар ўртасида эркин рақобатнинг даражаси ошиб боради.

Бозор иқтисодиёти субъектларининг иқтисодий мустақиллигини таъминлашнинг асосий усулларида бири инновацион жараёнларни ривожлантира бориш асосида уларнинг маҳсулотлари ёки ижтимоий хизмат қилиш усулларида рақобатбардошлигини таъминлашдир.


Инновацион жараённи ташкил этиш кутилмаган хавф-хатарлардан ҳоли эмас. Шунинг учун уни олдини олиш чора-тадбирларини амалга ошириб бориш зарур. Инновацион маҳсулотлар товар ҳолатида бозордаги талаб ва таклифни мувофиқлаштиришда фаол қатнашади. Инновацион фаолият турли омиллар, услублар ва бошқарув асосида, илмий ходимлар томонидан янги ишлаб чиқариш техника ва технологиялари, янги маҳсулотлар сифатида ёки меҳнатни ташкил этишнинг янги шакли сифатида, ишлаб чиқариш жараёнини молиялаштиришни, иқтисодий манфаатдорлик омилларини ташкиллаштириш асосида илм-фан ва техника тараққиётини ривожлантириш орқали ишлаб чиқаришнинг ижтимоий-иқтисодий самарадорлигининг ошиб боришини таъминлайди.

Илм-фан ва техника тараққиёти асосида ишлаб чиқариш жараёнини жаҳон стандартлари талаблари даражасида такомиллаштириш унга ажратилаётган инновацион инвестиция маблағлари миқдorigа боғлиқ. Инновация жараёнини ривожлантириш учун йўналтириладиган инвестициялар давлат, хусусий тадбиркорлик субъектлари ва хорижий давлатлар ҳамда тадбиркорлар томонидан амалга оширилиши мумкин.

Инвестиция маблағларини жалб этишдан мақсад ишлаб чиқариш жараёнини кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш асосида олиб бориш ва бозор субъектларининг соф фойдаларини ўсиб боришини таъминлашдан иборат. Бу мақсадларга инновацион инвестиция маблағларининг бозор талаблари асосида ўсиб боришини таъминлаш орқали эришиш мумкин. Инновация жараёнига ажратиладиган инвестиция маблағлари иқтисодий ва ижтимоий тавсифга эга бўлган категориядир.

Бозор иқтисодиёти субъектларининг иқтисодий мустақиллигини таъминлашнинг асосий усулларида бири инновацион жараёнларни ривожлантира бориш асосида уларнинг маҳсулотлари ёки ижтимоий хизмат қилиш усулларида рақобатбардошлигини таъминлашдир.

Бизнинг фикримизча, инновацион жараён узоқ муддатни қамраб олиши керак. Ундан ташқари инновацион жараённи амалга ошириш хусусиятларини кўриш мумкин.



1-расм. Иновацион жараённи амалга ошириш хусусиятлари¹

Мамлакатимизда ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш бўйича олиб борилаётган ислохотлар нафақат корхоналарда ишлатиладиган техника ва технологик жараёнларни янгилашни, балки бошқарув ва ҳисобини ташкил этишда инновацион ёндашувни талаб этади. Шу нуқтаи назардан корхоналарда ишлаб чиқарилган маҳсулотларни баҳолашнинг амалиётда қўлланиладиган айрим жиҳатларини тадқиқ этиш катта аҳамиятга эга. Республикаимиз инновацион иқтисодиёт сари ҳаракатланмоқда. Бу барча ресурслардан ҳозирги ва келгуси авлоднинг фаровонлиги учун оқилона фойдаланишга интилиш демакдир.

Иновацияларни кенг жорий қилиш учун молиявий-иқтисодий жараёнларнинг секинлик билан кечиши иқтисодиётнинг ижобий ўсиш суръатларига таъсир қилади. Ҳозирги глобал иқтисодий жараёнларда инновацион фаолият асосий фаолият мақомига давогарлик килмоқда. Мамлакатнинг молия ва иқтисодиёт соҳаларида, шунингдек, корхоналарнинг стратегик ривожланиши учун инновацион фаоллик даражаси зарур шартлардан биридир. Бизнингча, инновацион жараённинг ривожланишига қуйидаги омиллар таъсир кўрсатади.

Инновацион жараённинг ривожланишига таъсир этувчи омиллар²

Омиллар	Инновацион жараённинг ривожланишига ижобий таъсир этувчи омиллар	Инновацион жараённинг ривожланишига салбий таъсир этувчи омиллар
Иқтисодий	Зарурий молиявий заҳираларнинг мавжудлиги	Инвестиция маблағларининг етишмаслиги
Технологик	Етарли даражада моддий-техникавий базанинг ва ишлаб чиқариш технологиялари, хўжалик ҳамда илмий-техникавий инфратузилманинг мавжудлиги	Моддий-техника ва илмий-техникавий ишлар учун зарур бўлган шароитларнинг талабга жавоб бермаслиги. Мавжуд технологияларининг эскирганлиги
Сиёсий	Қонуний-меъёрий чора-тадбирларнинг яратилиши	Қонунларнинг монополияни чеклай олмаганлиги
Ҳуқуқий	Инновацион фаолиятнинг ривожланишини ҳуқуқий таъминлаш	Солиқ, амортизация, патентлаш ва лицензиялаштиришнинг талабга тўлиқ жавоб бермаслиги
Ташкилий	Бозор шароитларидан келиб чиққан ҳолда ташкилий таркибни такомиллаштиришга мойиллиги	Ташкилий таркибларнинг доимий равишда янгиланмаслиги
Бошқарув	Ишлаб чиқариш ташкилий тизимининг муқобиллиги, демократик бошқарувга асосланиши, ахборотлар билан таъминланиши. Инновацион жараённи амалга оширишда умумий мақсаднинг шаклланиши	Марказлаштирилган авторитар бошқарув, ахборотлар билан таъминлашнинг ва субъектлар ўртасидаги муносабатларининг мураккаблиги. Инновацион жараён бўйича келишувнинг мураккаблиги
Ижтимоий-психологик	Маънавий рағбатлантириш. Ижтимоий тан олиш, инновацион меҳнатга шароит яратиш, талаб даражасида психологик шароитлар яратилиши	Ишлаб чиқариш йўналишининг ўзгариши асосида янги иш жойларининг мослашуви, мавжуд ишлаб чиқариш фаолиятини қайта ташкил этиш. Ишлаб чиқаришнинг эски усуллари мавжудлиги, ишлаб чиқаришдан олдинги қўрқув, омадсизлик кабилар
Маданий	Ўзининг инновацион маҳоратини кўрсатишга шароитнинг мавжудлиги. Субъектлар ўртасидаги муносабатлар тенглик, ишончлилик муносабатларига ва ҳурматга асосланиши	Субъектлар ўртасидаги ижтимоий, иқтисодий ва маданий муносабатларнинг талабга жавоб бермаслиги, ишончга, ўзаро ҳурматга асосланмаганлиги

Инновацион жараён билан тадбиркор субъектлар ўз фаолиятларининг маълум бир томони ёки барча томонларини қамраб олиши мумкин.

Ўз навбатида инновацион инвестициялаштиришни амалга ошириш инновацион фаолиятга боғлиқ. Инновацион фаолият турли омиллар, услублар ва бошқарув асосида, илмий ходимлар томонидан янги ишлаб чиқариш техника ва технологиялари, янги маҳсулотлар сифатида ёки меҳнатни ташкил этишнинг янги шакли сифатида, ишлаб чиқариш жараёнини молиялаштиришни, иқтисодий манфаатдорлик омилларини ташкиллаштириш асосида илм-фан ва техника

тараққиётини ривожлантириш орқали ишлаб чиқаришнинг ижтимоий-иқтисодий самарадорлигининг ошиб боришини таъминлайди.

Албатта, инновацион инвестиция қиймати ўз-ўзидан фойда келтирмайди. Унинг фойда келтириши тадбиркорлар ва инвесторларни инвестициялаштириш, инновацион муҳитни яхшилаш бўйича танлаб олган усулнинг тўғри ва объективлиги даражасига боғлиқ.

Инновацион жараённи ташкил этиш кутилмаган хавф-хатарлардан ҳоли эмас. Шунинг учун уни олдини олиш чора-тадбирларини амалга ошириб бориш зарур. Инновацион маҳсулотлар товар ҳолатида бозордаги талаб ва таклифни мувофиқлаштиришда фаол қатнашади.

Шунинг учун жамиятнинг ишлаб чиқариш воситаларига ва истеъмол буюмларига бўлган талабларини қондириш учун инвестиция маблағларидан инновацияни ривожлантириш учун зарур бўлган маблағлар миқдорини ижтимоий-иқтисодий шарт-шароитлардан келиб чиққан ҳолда шакллантириш керак.

Инновация лойиҳаларини молиялаштириш инновацион лойиҳаларнинг самарадорлигига боғлиқ. Аммо, инновацион лойиҳаларнинг самарадорлигини оширишда инвестицион лойиҳаларни самарадорлигини аниқлаш услубияти талабга жавоб бермайди. Чунки, инновацион лойиҳаларни амалга оширишда қатнашувчи ходимларга нисбатан инновацион инвестициялаштиришда кўпроқ ходимлар қатнашади.

Инвесторлар, илмий-тадқиқот институтлари, янги маҳсулотларни ишлаб чиқарувчилар ва истеъмолчилар инновацион жараёнда фаол қатнашадилар. Инновацион инвестициялаштиришнинг асл мақсади илмий-тадқиқот ва янги технологияларни яратишдан иборатдир. Аммо унга методик тавсиялар етарли даражада ишланмаган.

Инновацион фаолиятни самарадорлигини аниқлашда нафақат олинаётган даромадни, балки ундан узоқ муддат фойдаланишни таъминланишини ҳам аниқлаш зарур.

Инновацион фаолиятни ташкил этиш самарадорлигини иккига, яъни инновацион ютуқларни ишлаб чиқаришда қўллаш ва ишлаб чиқариш янгиликларини сотиш самарадорлигига бўлиб ўрганиш зарур.


Инновацияни ташкил қилишнинг инновацион фаолиятдаги самарадорлигини қўйидагилар билан ифодалаш мумкин (2-расм).

Инновация фаолиятини ташкил этишнинг иқтисодий самарадорлиги ишлаб чиқариш субъектлари томонидан ресурслардан самарали фойдаланишни таъминлайди. Натижада, у ялпи ишлаб чиқариш ҳажми ва маҳсулот сифатининг ошишига олиб келади. Бу меҳнат унумдорлиги самарадорлигининг ўсиб боришида ифодаланган бўлиб, у ишлаб чиқаришга сарф этилган маблағларнинг айланма ҳаракатини тезлаштиришга ва ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг рақобатбардошлигини таъминлайди.

Инновацион янгиликларни ишлаб чиқариш жараёнида қўллашнинг самарадорлиги ишлаб чиқариш субъектларининг иқтисодий-ижтимоий ва экологик самарадорлигининг ўсиб боришига олиб келади.

Мавзуга оид таҳлилларни кузатадиган бўлсак, ҳозирги кунда мамлакатимизда инновацион фаолликка қаратилган ишларнинг кенг кўламда олиб борилаётганига гувоҳ бўламиз. Масалан, Ўзбекистоннинг миллий инновацион тизимини модернизация қилиш, глобал бозорда миллий маҳсулотлар ва хизматларнинг

рақобатбардошлигини, иқтисодиёт диверсификацияси самарадорлигини ҳамда аҳолининг турмуш даражасини ошириш мақсадида Инновацион ривожланиш вазирлиги ҳузурида Жаҳон банкининг “Ўзбекистон миллий инновацион тизимини модернизация қилиш” лойиҳаси амалга оширилиб келинмоқда. Бундан кўзланган асосий мақсад – илмий лойиҳаларни молиялаштириш, илмий-тадқиқот натижаларини тижоратлаштириш, стартап экотизимини шакллантириш, шунингдек, инновацион фалликка қаратилган молиявий-иқтисодий жараёнларни баҳолаб бориш кабилардир.




2-расм. Инновацион янгиликларнинг иқтисодий самарадорлиги³

Шунингдек, 2021 йилда иқтисодиётнинг реал сектори ва ишлаб чиқариш тармоқларининг илмий ишланма ва инновацияларга бўлган эҳтиёжлари борасида қатор ишлар амалга оширилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Оролбўйи минтақасини экологик инновациялар ва технологиялар ҳудуди деб эълон қилиш ҳақидаги Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 75-сессияси махсус резолюциясини амалга ошириш чоралари тўғрисида”ги 2021 йил 29 июлда ПҚ-5202-сон қарори имзоланди. Мазкур қарорга асосан Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Оролбўйи минтақасини–экологик инновациялар ва технологиялар ҳудудига айлантириш” масалаларига бағишланган халқаро конференцияга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги резолюция қабул қилинди. Ислон тараққиёт банки Оролбўйи халқаро инновация марказини ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқиш учун 275 минг АҚШ доллари ажратди ва “KPMG Audit” МЧЖ билан 2020 йил 1 май куни тузилган шартнома доирасида 3-этап ишлари якунланди ва кўрсатилган хизматлар учун 113359,00 АҚШ доллари тўлови Ислон


тараққиёт банки томонидан молиялаштирилди⁴. Бундан ташқари, янги ишланмаларни тижоратлаштириш ва ишлаб чиқаришга жорий этиш бўйича ҳам қатор ишлар амалга оширилди. 2021 йил IV чорак якуни бўйича жами 153,2 млрд. сўмлик 248 та илмий ишланмани тижоратлаштирилди. Олиб борилган ишлар натижасида умумий қиймати 136,9 млрд. сўм миқдориди маҳсулот ишлаб чиқарилган ва 131,3 млрд. сўмлик маҳсулот сотилган ҳамда 16,3 млрд. сўмлик хизматлар кўрсатилган. Биламизки, молиявий инқироз шароитларида мамлакат, корхоналар ва илмий жамоаларга ажратилаётган маблағлардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш масаласи биринчи ўринга чиқади. Шунинг учун ҳам ушбу самарадорликка эришиш мақсадларида Европа Иттифоқи давлатларида ҳар йили “Европа инновациялар таблоси” (European Innovation Scoreboard - EIS) нашр этиб борилади.

Ҳозирги даврда инновацион иқтисодиётнинг барқарор ривожланишини белгилайдиган асосий омил - бу илмий тадқиқот ва принцип жиҳатидан янги маҳсулот турларини яратиш, бунда ишланмалар натижаларидан фойдаланган ҳолда мамлакатнинг инновацион муҳитини шакллантириш ва ривожлантириш, маҳсулотларни ишлаб чиқаришнинг янги технологияларини яратиш, ишлатиш ва кейинчалик бозорда жорий этиш ҳамда реализация қилишдир. Бунда давлат томонидан олиб бориладиган инновацион фаолликка қаратилган молиявий-иқтисодий жараёнларнинг долзарб эканлигини билиб олишимиз мумкин. Мамлакатимизда инновацион янгиликлар асосида инновацион маҳсулотларни ишлаб чиқариш бўйича ҳукуватимиз томонидан қатор ишлар амалга оширилмоқда. Маълумки, инновацион ишланмалар асосида ишлаб чиқариш жараёнини жаҳон стандартлари талаблари даражасида такомиллаштириш, мамлакатимизда инновацион фаолликка қаратилган молиявий-иқтисодий жараёнларни жадаллаштириш унга ажратилаётган инновацион инвестиция маблағлари миқдорига боғлиқ бўлади. Шу боисдан ҳам Ўзбекистон Республикасида инновацион фаоллик кўрсаткичларининг юқори суръатларга эришиши бўйича тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Қуйида 2015-2021 йиллардаги Ўзбекистон Республикасида фаолият кўрсатаётган корхоналар, инновацион фаол корхоналар, шунингдек, инновацион маҳсулот ишлаб чиқариш кўрсаткичларини кўришимиз мумкин.




1-диаграмма. Фаолият кўрсатаётган корхоналар сони⁵

1-диаграмма маълумотларига кўра, 2015 йилда фаолият кўрсатаётган корхоналар сони 273627 тани ташкил этган бўлса, 2021 йилга келиб мос равишда 503538 тани ташкил этган. Корхоналар сонининг 229911 тага ошишига эришилган.



2-диаграмма. Фаолият юритаётган инновацион фаол корхоналар сони⁶

2-диаграммадан республикада фаолият юритаётган инновацион фаол корхоналар сони эса мос равишда 2015 йилда 2134 тани ташкил этганини, 2021 йилга келиб мос равишда 7995 тага ўсганини кўрсатмоқда. Шундай юқори тенденция бўлсада фаолият юритаётган корхоналар умумий сонига нисбатан инновацион фаол корхоналар сони 2015 йилда 0,6 фоиздан 2020 йилга келиб 3,7 фоизли ўсиш тамойилига эга бўлган.



3-диаграмма. Корхоналар томонидан инновацион маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми (млн. сўм)⁷

3-диаграмма таҳлили эса 2021 йилга келиб республикада инновацион маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмининг сезиларли даражада ўсганлигини кўрсатмоқда. 2015 йилда ушбу кўрсаткич 8023629 млн. сўмни, 2021 йилда мос равишда 36489241 млн. сўмни ташкил қилган. Албатта ўсиш тенденцияси кузатилган. Бунини мамлакатимизда инвестицион фаолиятга бўлган эътиборнинг кучайганлиги билан изоҳлаш мумкин.

Бугунги кунда мамлакатнинг инновацион фаолиятини баҳоловчи яна бир муҳим кўрсаткичлардан бири бўлган илмий тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишланмаларга қилинган харажатлар ҳисобланади. Ўзбекистон Республикасида ушбу кўрсаткич ялпи ички маҳсулотга нисбатан 0,2 фоизни ташкил этмоқда.

Юқорида таъкидланганидек, инновацион фаоллик кўрсаткичларининг юқори суръатларга эришишида молиявий-иқтисодий жараёнларни янада жадаллаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Сўнги йилларда иқтисодиётда, молия бозоридан

фаолият кўрсатаётган корхоналар учун қулай солиқ муҳити яратилаётгани бунга мисол бўлиши мумкин. Жумладан, мамлакатимизда инвестициялар оқимини кучайтириш, фан-техника ютуқларини иқтисодиёт тармоқларига, ижтимоий ва бошқа соҳаларга кенг қўллаган ҳолда замонавий инновацион технологияларни тезкор жорий этиш, ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлашни рағбатлантиришга қаратилган солиқ имтиёзлари жорий қилинди. Бироқ, мазкур солиқ имтиёзларини тақдим этишнинг ҳуқуқий асосларида номувофиқликлар мавжудлиги, солиқ имтиёзлари натижаларини мониторинг қилиш механизмнинг етарлича такомиллашмагани, солиқ имтиёзлари аниқ шартлар асосида тақдим этилмаслиги, корхоналарнинг инвестицион ва инновацион фаоллигини оширишга қаратилган самарали ва замонавий солиқ механизмлари етарли эмаслиги, мавжудлари ҳам лозим даражада натижа бермаётганлиги каби ҳолатлар корхоналарнинг инновацион фаолликка эришишида солиқ имтиёзларини такомиллаштириш заруратини юзага келтиради.

Солиқ имтиёзларини тақдим этишнинг ҳуқуқий асослари танқидий таҳлил қилиниб, номувофиқликлар аниқланган. Жумладан, Солиқ кодексининг 30-моддаси биринчи қисмида солиқ имтиёзлари Солиқ кодексида, бошқа қонуний-меъёрий ҳужжатларда ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорларида назарда тутилиши, иккинчи қисмида эса “Мол-мулк солиғи, ер солиғи, ягона ер солиғи бўйича имтиёзларни бериш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан амалга оширилиши мумкинлиги” белгиланган⁸. Бироқ, амалда солиқ имтиёзлари Солиқ кодекси, қонунлар ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорларидан ташқари бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида ҳам қўлланилиб келинганлиги аниқланди.

Мазкур номувофиқликларни бартараф этиш, хусусан, Солиқ кодексининг 30-моддасида солиқ имтиёзларини тақдим этиш ваколатига эга органлар ҳамда солиқ имтиёзлари белгиланадиган қонуний-меъёрий ҳужжатларга аниқлик киритиш таклифи биз томонимиздан ишлаб чиқилган ва амалиётга тадбиқ этилган.

Олиб борилган изланишларимиз, мавзу доирасидаги ўрганишлар ва таҳлил қилинган амалий маълумотларга таянадиган бўлсак, Ўзбекистонда инновацион фаолликни таъминлашга қаратилган молиявий-иқтисодий жараёнларни такомиллаштириш борасида ҳали амалга оширишимиз зарур бўлган вазифалар мавжуд эканлиги намоён бўлмоқда. Масалан, корхоналар инновацион фаоллигига эришиш учун солиқ имтиёзларидан, жумладан, инвестицион чегирмалардан фойдаланиш имкониятини ошириш, бунинг учун жами киритилган инвестиция суммаси солиқ солинадиган фойдадан камайтирилиши лозим деб ҳисоблаймиз. Фикримизча, қисқа муддатларда мамлакатимизда инновацион фаоллик кўрсаткичларининг юқори суръатларга эришишини таъминлаш вазифаси долзарб бўлмоғи лозим. Бунда молиявий-иқтисодий жараёнларни янада жадаллаштириш туфайлигина кўзлаган мақсадларимизга эришамиз.

Хулоса

Мамлакатимизда инновацион фаолликка қаратилган молиявий-иқтисодий жараёнлар тадқиқ қилиниб, фикримизча уни такомиллаштириш бўйича хулосаларимизни кўрсатиб ўтишни лозим топдик.

-инновацион фаоллик самарадорлигини оширишда молиявий алоқаларнинг аҳамиятини янада кучайтириш, инновацион фаолликни таъминлашда доимий равишда мамлакатимиз корхоналарининг кўрсаткичларини танқидий таҳлилинини олиб бориш;

-инновацион фаолликни характерловчи кўрсаткичларнинг ўсиш суръатларига таъсир этувчи корхонанинг ички ва ташқи имкониятлари, молиялаштириш жараёнида самарали қарорларни қабул қилиш ва улардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш йўллари кенгайтириш;

-солиқларнинг корхоналар инвестицион ва инновацион фаоллигига таъсир доирасини таҳлил қилиб бориш, улар фаоллигини солиқлар орқали молиялаштириш маълум вақт, давр учунгина аҳамиятли бўлиб қолмаслигини олдини олиш, қўшимча имтиёзларга ва молиявий ресурсларга ҳамда корхона молиявий мустақамлик кўрсаткичи юқори бўлишлигига эришиш;

-мамлакатимизда инновацион маҳсулот ишлаб чиқариш учун жалб этилган инвестицион ресурслардан самарали фойдаланиш. Натижада ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиш суръати, инвестиция ҳажми, таркиби, инвестицион фаолиятнинг интенсивлиги ва ривожланиши ҳамда инновацион фаолликка таъсир этувчи ҳудуд ички салоҳият кўрсаткичлари (олинган патент, ихтиро, ишланмаларни тадбиқ этиш ва интеллектуал салоҳият)га мувофиқ манзилли молиялаштиришни амалга ошириш.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, 1992 йил 8 декабрь.
2. Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси, 2019 йил 30 декабрь.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 октябрдаги “Илм-фанни 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида” ПФ-6097-сон фармони.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 1 майдаги “Ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришни рейтинг баҳолаш тизимини жорий этиш тўғрисида” ПҚ-4702-сон қарори.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 29 июлдаги “Бирлашган миллатлар ташкилоти бош ассамблеясининг 2021 йил 18 майдаги «Оролбўйи минтақасини экологик инновациялар ва технологиялар ҳудуди деб эълон қилиш тўғрисида»ги махсус резолюциясини амалга ошириш чоралари тўғрисида” ПҚ-5202-сон қарори.
6. У.Петти, Н.Маккиавелли “Суверен” асари, 1513.
7. Ф.Бэкон. “Инновациялар тўғрисида” асари, 1625.
8. Г.Барнетт. “Innovation”, Нью-Йорк: McGraw-Hill, 1953.
9. Л.Водачек, О.Водачкова Стратегия управления инновациями на предприятии. Москва, Экономика, 1989.-167 с.
10. Н.Ҳ.Ҳайдаров. Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида корхоналар инвестицион фаолиятидаги молия-солиқ муносабатларини такомиллаштириш масалалари (хорижий инвестицияли корхоналар мисолида): иқтисод фанлари доктори илмий даражасини олиш учун диссертация автореферати. – Тошкент. 2003. - 29 б.
11. Ф.Ў.Додиев. Инвестицион фаолиятини молиявий рағбатлантириш: иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун диссертация автореферати. – Тошкент. 1998. - 22 б.
12. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат статистика агентлиги маълумотлари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.
13. Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлигининг расмий маълумотлари асосида муаллиф ҳисоб-китоблари ва ёндашуви.